



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 9 октябрь, № 213 (8556)

Душанба Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН XIX ЁЗГИ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДА ИШТИРОК ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИГА

Хурматли спортчи ва мураббийлар! Қадри фарзандларим!

Аввало, Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида ўтказилган XIX ёзги Осие ўйинларида муносиб иштирок этиб, юксак натижаларни қўлга киритганингиз билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Сизларнинг жонажон Ўзбекистонимиз шарафини ҳимоя қилиш йўлида кескин кураш олиб бориб, улкан ютуқларга эришганингиз, ҳеч шубҳасиз, барчамизни, кўп миллатли халқимизни чеқсиз қувонтирди.

Бепоен қитъамиз миқёсида ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиладиган ушбу нуфузли спорт анжуманида юрдошларимиз сизларнинг ҳар бир чиқишингизни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб борди. Бутун Ўзбекистон аҳли сизларни қўллаб-қувватлаб, Яратгандан омад ва зафарлар тилади!

Осие қитъасининг 45 та давлатдан 11 минг нафар спортчи иштирок этган бу мусобақаларда миллий терма жамоамиз аъзолари ўзларининг беқиёс маҳорати, ғайрат ва матонатини, ғалабага бўлган юксак интилиш ва иродасини намойён этиб, 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза медалини қўлга киритганлари ҳар қандай таҳсинга сазовордир. Олтин медаллар 31 нафар спортчи-

миз томонидан қўлга киритилган бўлса, уларнинг тенг ярми — қизларимиз ҳиссага тўғри келганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни ўринли деб биланам.

132 нафар вақилимиз жами 71 та медални қўлга киритиб, ўтган Осие ўйинларида нисбатан рекорд натижани қайд этганлари ҳам барчамизни қувонтиради.

Айниқса, ғайрат-шижоатли ўғил-қизларимиз Хитой Тайпейи, Бахрайн, Шимолий Корея, Гонконг, Эрон, Индонезия, Қозғистон, Қатар, Сингапур, Малайзия, Вьетнам, Кувайт каби спорт соҳасида ривожланган давлатларни ортада қолдириб, умумжамоа ҳисобида Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея ва Хиндистондан кейин фахрли бешинчи ўринни эгаллаганликлари Ўзбекистон тарихида яна бир ёрқин саҳифа очди, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бўлиб ўтган қизгин беллашуларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Баҳодир Жалолов, Жалгасбай Бердимуратов, Улуғбек Рашитов, Ҳасанбой Дўсматов, Абдумалик Халаков, Диёра Келдиёрова, Тахмина Икромова, Севинч Раҳимова, Вилана Савадян, Эвелина Аталяц, Шарифа Давронова, Сафина Саъдуллаева, Музаффар Тўрабоев, Ольга Забелинская, Шоҳмурод Холмуродов, Нурислом Тўхтасин ўғли, Умид Эсонов, Артём Штурбабин, Ҳилола Ортиқбоева, Мухсин Ҳисомиддинов,

Зайнаб Дайибекова, Плиего Лара Мария Паола, Херрера Лара Луиза Фернанда, Гулистон Пердебаева, Анна Пракатень, Шехроз Ҳақимов, Дилшоджон Худойбердиев, Давиржон Давронов, Алишер Турдиев, Муроджон Йўлдошев ва бошқа спортчиларимизнинг нодир истеъдоди, маҳорати ва қобилиятига барча спорт мухлислари яна бир бор тан берди.

Ўзбек қиличбозлик спортининг ифтихорига айланган Зайнаб Дайибекова сабля жамоа дастурида Осие қитъасида тенгсизлигини, Анвар Клевлеев эса слаломда эшак эшиш беллашувида кучли рақиб эканлигини намойён этдилар.

Айни вақтда навқирон фарзандларимиз кураш, дзюдо, бокс, енгил атлетика, бадий гимнастика бўйича тенгсиз, таъқвондо, велоспорт, оғир атлетика, футбол мусобақаларида эса етакчилар сафида эканларини амалда исботладилар.

Осие ўйинларида эришилган бундай ютуқлар биз учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, сизлар шу тарихда миллий спорт мактабимизнинг шон-шухратини, Ўзбекистон ёшларининг қандай буюк ишларга қодир эканини жаҳонга намойён этдингиз.

Ўз навбатида, 2024 йил Парижда бўлиб ўтадиган 33-олимпия ўйинларида ҳам юксак чўққиларни забт этишингизга ишонаман!

Ҳеч шубҳасиз, сизларнинг юртимиз

байроғини баланд кўтариб, юқори ўринларни эгаллаганингиз мамлакатимизда соғлом ва баркамол, ватанпарвар ёш авлодни — Янги Ўзбекистон бунёдкорларини вояга етказиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида олиб бораётган кенг қўламли ишловларимизнинг яна бир амалий натижаси сифатида барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди, миллионлаб тенгдошларингиз учун ўрнатилган намуна бўлиб хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар каби салоҳиятли, иродаси мустаҳкам, эл-юртга садоқатли ёшларни тарбиялаб камолга етказган меҳрибон ота-оналарингизга, сизлар билан ёнма-ён туриб, юксак чўққиларни забт этишингизга муносиб ҳисса қўшган моҳир ва жонқуяр устоз-мураббийларингизга ўз номидан, халқимиз номидан чин дилдан ташаккур изҳор этаман.

Йирик халқаро спорт беллашуви — Осие ўйинларида қўлга киритган тарихий натижаларингиз билан сизларни яна бир бор самимий қўллаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, келгуси фаолиятингизда янги-янги зафарлар, оилаларингизга бахту саодат тилайман.

Доимо бахтингиз ва омадингизни берсин, азиз фарзандларим!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ўзбекистон — Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон ва Россияни кўп йиллик тарихий, маданий ва иқтисодий алоқалар боғлаб туради. Бугунги кунда улар жадал ривожланиб, йилдан-йилга янги қиёфа касб этиб бормоқда.

■ Муносабат

Кейинги йилларда расмий Тошкент ва Москва ўртасидаги муносабатлар мисли қўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Айниқса, Ўзбекистон — Россия муносабатларининг сўнгги олти йилда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг кўплай соҳаларида ижобий натижаларга эришди.

Хусусан, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликда нафақат микродорий кўрсаткичлар барқарор ўсиб борапти, балки сифат жиҳатдан янги босқинга чиқмоқда. Илгари ўзаро товар айирбошлаш таркибининг аксариятини хомашё ташкил этган бўлса, бугунги кунда савдонинг 70 фоизи юқори қўшилган қийматли маҳсулотларга тўғри келмоқда.

Инвестиция соҳасида ҳам енгил ва кимё саноти, автомобилсозлик ва машинасозлик, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тармоқларида инновацион лойиҳалар салмоғи ортиб бораётгани кузатилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан бўлиб ўтган учрашувлари доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида қўшма баёнот қабул қилинган ўзаро муносабатларда янги даврни бошлаб берди. ➡ 3

■ Пахтачилик: кеча ва бугун

МЕХАНИЗАЦИЯ — ҲОСИЛНИ ҚЎЛ МЕҲНАТИСИЗ ТЕРИБ ОЛИШДА ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ

Шундай даврлар бўлдики, пахта йиғим-терими бошланганидан ҳаловат йўқоларди. Юрда белига этак боғламаган одам қолмасди, ҳисоб.

Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли бугун мактаб ўқувчилари, талабалар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгалари мажбурий меҳнатдан халос бўлган халқимизнинг бахти, саодати, десак, аини ҳақиқатдир.

■ Машинада териш афзалми ёки?..

Мажбурий меҳнатга чек қўйилганидан сўнг айримларда “Энди пахта ким теради, мактаб ўқувчиси талабалар қўл меҳнатисиз шунча ҳосилни саранжомлаб бўладим, ахир уларнинг ўрнига ким далага чиқади?” деган фикр уйғонгани ҳам бор гап. 2019 йилнинг октябрь ойида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга

мўлжалланган стратегиясига мувофиқ, давлат пахта хомашёси ва ғалла етиштиришдаги иштирокидан босқинча-босқинч воз кечиб, соҳага янги бозор механизмларини жорий этгани бу муаммага барҳам берди. Яъни пахта ўз эгасини топди. Энди пахта ким тез саранжомлаб олиш учун ёппасига барча ташкилотлар эмас, пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермерлар масъул. Шунинг учун ҳам кўплай фермерлар ҳосилни пахта териш машиналари ёрдамида саранжомлаб олишни афзал кўрмоқда. ➡ 3



Янги Ўзбекистоннинг Янги Ғалабалари




Шу йилнинг 23 сентябрь — 8 октябрь кунлари Хитойнинг Ханчжоу шаҳрида XIX ёзги Осие ўйинлари бўлиб ўтди.

Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақасида 45 давлатнинг 11 минг спортчиси иштирок этди. Мурсасиз беллашуларда 393 нафар ўзбекистонлик атлет совринли ўринлар учун кураш олиб борди.

Кескин баҳслар якунида Ўзбекистон делегацияси 22 та олтин, 18 та кумуш ва 31 та бронза, жами 71 медални қўлга киритиб, мусобақани умумжамоа ҳисобида 5-ўринда якунлади. Бу ўзбекистонлик спортчиларнинг шу пайтгача ўтказилган Осие ўйинларидаги энг яхши натижасидир.

...Ватан — муқаддас, унинг халқаро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XIX ёзги Осие ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ва жасорат бобида улғу зотларнинг муносиб ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади.



■ Мулоқот

ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Фарғона вилоятига ташрифи доирасида вилоят жамоатчилиги, хотин-қизлар фаоллари билан учрашиб, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳа тақдимоти билан танишди.

Хусусан, вилоятдаги хотин-қизлар фаоллари билан мулоқот чоғида уларни қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида сўз борди.

Айни пайтда Фарғонада аёлларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини янада мустаҳкам-

лаш юзасидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бошқарувдаги раҳбар хотин-қизлар 18,2 фоизни, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш соҳасида 9,8 фоизни, саноят, савдо, ташиш ва сақлаш, яшаш ҳамда овқатланиш бўйича хизматлар йўналишларида 18,5 фоизни, таълим тизимида 54 фоизни ташкил қилмоқда. ➡ 3


СОФ ВИЖДОН, ҲАЛОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон — буюк алломалар юрти. Бу заминда камолга етган олим уламолар қолдирган бебаҳо мерос жаҳон цивилизациясига беқиёс хизмат қилган. Жумладан, Ватанимиздан етишиб чиққан ва фаолият олиб борган дин арбоблари, мутафаккирларнинг ислом тамаддунидаги ўрни алоҳида эътироф этилади.

■ Улуғ сиймолар ёди

Кейинги йилларда янги Ўзбекистонни қуриш ва учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга қаратилган улуғвор ишлар силсиласида буюк аждодларимизнинг бой ва серқирра фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларнинг ўлмас асарларини тадқиқ этиш ҳамда юртимизда, хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилишга устувор аҳамият қаратилади. Зеро, бу табаррук зотлар нафақат ифтихоримиз манбаи, балки уларнинг ўрнатилган арзиғулик фао-

лияти, безавол мероси билим ва тажрибаларимизни бойитибгина қолмай, ҳар биримизни юксак марраларга ҳам руҳлантириб туради. Ватанимиздан етишиб чиққан ва фаолият юритган ана шундай алломалардан бири, шубҳасиз, Мухторжон Абдуллох Бухорий (Абдуллаев) эди. Унинг муқаддас динимиз ривожини, халқимизга маърифат улашиш йўлида олиб борган ишлари бугунги авлодлар учун ҳам ғоятда ибратлидир. ➡ 4





Янги Ўзбекистоннинг янги Ғалабалари



Мамлакатнинг куч-қудратини, салоҳиятини белгилайдиган омиллар жуда кўп. Улар орасида жаҳонда ўз сўзига, ўз ўрнига эга бўлган, ҳар томонлама кучли авлодни тарбиялаш, шубҳасиз, муҳим ўрин тутати. Чунки ҳар бир халқ, ҳар бир миллатнинг келажаги бугун вояга етаётган авлод тақдирини билан узвий боғлиқдир.

Ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда билим олиши, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, қобилият ва иқтидорини юзага чиқариш, қалбда она юртва садокат ҳамда фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида ҳаётга таъбиқ қилинаётган кенг қўламли чора-тадбирлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мўжассам.

Шу маънода, кейинги йилларда ёшларни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда спорт ва жисмоний тарбия раванқига эътибор кучайтирилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Соҳанинг мод-

дий-техника базасини мустаҳкамлаш, таълим масканларида, маҳаллаларда замонавий спорт мажмуаларини бунёд қилиш, уларни бугунги кун талабига мос усул ва ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш, мазкур иншоотлардан самарали фойдаланиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ёшларимизнинг халқаро майдонда маҳорат ҳамда шижоат бобида ҳеч кимдан кам эмасликларини исботлашида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Аслида ҳар бир спортчи учун Осиё ўйинларида қатнашишнинг ўзи катта оруз. Ана шу мақсадга етишиш билан бирга, медал олишга муваффақ бўлган атлетнинг қалб кечинмалари, ҳис-туйғуларига қулоқ тўтсангиз, дунёда ундан бахтиёр инсон топилмас керак.

Тўғрида, қитъа бўйича энг сара, энг тажрибали спортчилар йиғилган йирик анжуманда, кучли рақобат шароитида совриндорлар қаторидан ўрин эгаллаш осон иш эмас.

ХИХ ёзги Осиё ўйинларида 11 минг атлет 40 та спорт тури бўйича нафақат медаллар, балки келгуси йили Парижда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун ҳам кураш олиб боришди. Айни шу жиҳат ҳар бир беллашувнинг мурасасиз ўтишини таъминлади. Яқунда улар орасидан фақат 27 давлат вакилларига олтин медалларни қўлга киритиш насиб этди.

Албатта, спортчиларимиз бундай натижага ўз-ўзидан эришгани йўқ. Давлатимиз

раҳбарининг 2021 йил 5 ноябрдаги "2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган ХХХИ ёзги Олимпия ва ХVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида атлетларимизнинг нуфузли мусобақага муносиб ҳозирлик кўришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Кучли рақобат, мурасасиз беллашувлар остида ўтган Осиё ўйинларида Сафина Саъдуллаева, Шарифа Давронова (енгил атлетика), Ҳасанбой Дўсматов, Абдумалик Халаков, Баҳодир Жалолов (бокс), Ольга Забелинская (велоспорт), Музаффар Тўрабоев, Муроджон Йўлдошев, Диёра Келдиёрова (дзюдо), Севинч Раҳимова (каратэ WKF), Мўҳсин Хисомиддинов, Артём Штурбабин, Умид Эсонов, Хилола Ортиқбоева (кураш), Улуғбек Рашитов (таэквондо WT), Жалғасбай Бердимуратов (юнон-рум кураши), Анна Пракатень (академик эшак эшиш), Таҳмина Икромова (бадий гимнастика) яқкалик баҳсларида, Шехроз Ҳақимов, Давиржон Давронов, Дилшоджон Худойбердиев ва Алишер Турдиев кватрети (академик эшак эшиш), Зайнаб Дайибекова, Гулистон Пердибаева, Плиего Лара Мария Паола, Херрера Лара Луиза Фернанда (қиличбозлик), Шохмурод Холмуродов, Нурислол Тўхтасин ўғли дуэти (канозда эшак эшиш), Таҳмина Икромова, Вилана Савадян ва Эвелина Аталянц (бадий гимнастика) жамоавий беллашувларда олтин медалларни қўлга киритди.

Екатерина Воронина, Светлана Радзивиц (енгил атлетика), Анвар Клевлеев (слаломда эшак эшиш), Владлен Денисов (канозда эшак эшиш) Шахриёр Маҳкамов (байдаркада эшак эшиш) Нодирбек Абдусатторов, Умида Омонова (шахмат), Давлат Бобонов (дзюдо), Ситора Элмуродова (кураш), Феруза Содиқова (таэквондо WT), Акбар Жўраев, Мухаммадқодир Тоштемиров (огир атлетика) яқкалик мусобақаларида, Сардор Нуриллаев, Муроджон Йўлдошев, Давлат Бобонов, Мусо Собиров, Шохрухон Бахтиёр, Алишер Юсупов, Шукуржон Аминова, Диёра Келдиёрова, Севинч Исоқова, Гулноза Матниёзова, Рината Илматова, Ирисхон Курбанбаева (дзюдо аралаш), Шаҳбоз Холмурзаев, Мехроҷбек Маматқулов жуфтлиги (академик эшак эшиш), Шехроз Ҳақимов, Дилшоджон Худойбердиев жуфтлиги (академик эшак эшиш), Шаҳзод Нурматов, Шаҳбоз Холмурзаев, Мехроҷбек Маматқулов, Собиржон Сафаралиев кватрети (академик эшак

эшиш), Луизахон Исломова, Малика Тағматова жуфтлиги (академик эшак эшиш), Мухтасар Тоҳирова, Жаҳоҳир Соҳибов жуфтлиги (ўқ отиш) жамоавий беллашувларда кумуш медалларга сазовор бўлди.

Сухроб Ходжаев (енгил атлетика), Тўрабек Ҳабибуллаев, Нигина Ўқтамова (бокс), Жаҳоҳир Синдор (шахмат), Зайнаб Дайибекова, Дилноз Мурзатаева (қиличбозлик), Алишер Юсупов, Халимажон Курбанова, Гулноза Матниёзова, Ирисхон Курбанбаева (дзюдо), Маликахон Қаҳҳорова (кураш), Владимир Свечников (ўқ отиш), Мадинабону Маннопова, Чарос Қаюмова, Светлана Осипова, (таэквондо WT), Хумоюн Султонов (теннис), Рустам Жангабоев, Руслан Нурудинов (огир атлетика), Бекзод Абдураҳмонов, Жавраил Шапиев (эркин кураш), Рустам Аскалов (юнон-рум кураши) Актенге Кеунимжаева, Лайлохон Собирова (аёллар кураши), Дарья Латшьева (ушу) яқкалик беллашувларида, Нодирбек Абдусатторов, Жаҳоҳир Синдор, Нодирбек Ёқуббоев, Жаҳонгир Воҳидов, Шамсиддин Воҳидов (шахмат), Шохсанам Шерзодова, Нилуфар Зокирова дуэти (канозда эшак эшиш), Екатерина Шубина, Арина Танатмишева дуэти (канозда эшак эшиш), Юлия Борзова, Екатерина Шубина, Шахризода Мавлонова, Арина Танатмишева кватрети (канозда эшак эшиш), Шаҳзод Нурматов, Собиржон Сафаралиев дуэти (академик эшак эшиш), Озода Собиржонова, Шўҳрат Салаев, Светлана Осипова, Жасурбек Жайсунов (таэквондо WT) ва футболчиларимиз жамоавий баҳсларда бронза медалларига эғалик қилди.

Ушбу натижалар орқали бугун спортчиларимизга қаратилаётган эътибор уларни янгидан-янги марраларга руҳлантираётгани яна бир қарра ўз исботини топди. Ишонимизки, келгуси йили Парижда ўтказиладиган ёзги Олимпия ўйинларида ҳам ўзбек атлетларининг зафарли юришлари давом этади. Бунга Ханжкоуда ёшларимиз бизни ишонтира олишди.



393 нафар спортчи Хитойда ўтказилган ХИХ ёзги Осиё ўйинларида Ўзбекистон номидан иштирок этди.

Спорт турлари	Олтин	Кумуш	Бронза
Кураш	4	1	1
Байдарка, каноз ва академик эшак эшиш	3	7	4
Дзюдо	3	2	4
Бокс	3	2	2
Енгил атлетика	2	2	1
Бадий гимнастика	2		
Эркин ва юнон-рум кураши	1		5
Таэквондо	1	1	4
Каратэ	1		
Велоспорт	1		
Қиличбозлик	1		2
Огир атлетика		2	2
Шахмат		2	2
Ўқ отиш		1	1
Теннис			1
Ушу			1
Футбол			1
Жами	22	18	31



Қиличбозликнинг сабля йўналишида Зайнаб Дайибекова, Гулистон Пердибаева, Плиего Лара Мария Паола, Херрера Лара Луиза Фернандадан иборат аёллар терма жамоамиз олтин медални қўлга киритди. Бу тарихий натижа ҳисобланади. Финалда ҳамюртларимиз Япония терма жамоасидан устун келишди.

Енгил атлетиканинг уч хатлаб сакраш баҳсларида олтин медал билан тақдирланган Шарифа Давронова эндигина 17 ёшга қадам қўйди ва бу муваффақият унинг профессионал фаолиятидаги дастлабки катта соврини ҳисобланади.

Велоспортнинг 18.3 км. масофага кечган шахсий поёга дастурда иштирок этган Ольга Забелинская 24:36.99 дақиқа натижа кўрсатиб, голиблика эришди. "Маҳорат ёш танламайди", деб бежиз айтилмаган. 43 ёшда Осиё ўйинларида чемпионликни қўлга киритган ҳамюртимиз хали-ҳамон кўплаб спортчилардан жисмоний тайёргарлик жиҳатдан яхшироқ эканини исботлади.

Актенге Кеунимжаева Осиё ўйинларида аёллар

Қизиқарли фактлар

кураши бўйича совриндор бўлган илк кизимизга айланди. Мусобақада 50 килограммгача вазн тоифасида иштирок этган ҳамюртимиз бронза медал билан тақдирланди.

10 метрдан пневматик милтиқдан ўқ отиш бўйича аралаш жамоавий дастурда Жаҳоҳир Соҳибов ва Мухтасар Тоҳирова жуфтлиги кумуш медални қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, ўқ отиш бўйича спортчиларимиз бунгача 1998 йилда Бангкокда уюштирилган Осиё ўйинларида соврин олганди.

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон жамоаси аъзоси Екатерина Воронина кумуш медалга эғалик қилди. Ҳамюртимиз 2014 йилда ўтказилган Осиё ўйинларида олтин медалга сазовор бўлганди.

1000 метрга канозчилар ўртасидаги жуфтлик беллашувида Шохмурод Холмуродов ҳамда Нурислол Тўхтасин ўғли жуфтлиги марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди ва олтин медал соҳибига айланди. Ушбу жуфтлик 2018 йили Индонезияда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида бронза медални қўлга киритган эди.

Футбол бўйича Ўзбекистон жамоаси орадан 29 йил ўтиб яна Осиё ўйинлари шохсупасидан жой олди. Вакилларимиз охири бор 1994 йил Японияда ўтказилган мусобақада голиблика эришган эди. ХИХ ёзги Осиё ўйинларида Темура Кападзе шогирдлари дастлаб гонконглик тенгқурларига қарши икки учрашувда бахс олиб бориб, 1:0 ва 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди.



Вакилларимиз 1/8 финалда индонезиялик тенгқурларини 2:0, чорак финалда Саудия Арабистонли футболчиларини 2:1 ҳисобида енгди. Учинчи ўрин учун бўлган баҳсда Гонконг 4:0 ҳисобида мағлуб этилди.

Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рустам Аскалов (-97 кг.) учинчи бор Осиё ўйинларининг совриндори бўлди. Ҳамюртимиз бронза медали учун кечган баҳсда қозогистонлик Ислам Умаев устидан муддатидан илгари ғалаба қозонди. Бунгача Аскалов ҳисобида Осиё ўйинларининг олтин ва кумуш медаллари бор эди.

Бекзод Абдураҳмонов (-74 кг.) ҳам Осиё ўйинларидаги учинчи медални қўлга киритди. Полвонимиз бронза медал учун кечган баҳсда туркманистонлик Перман Хоммадовдан устун келди. Бекзод Абдураҳмонов 2014 ва 2018 йиллардаги мусобақаларда олтин медалларга эга чиққанди.

Ватандошимиз Дарья Латшьева улушнинг нанқуан ва нандао дастурлари якунига кўра кучли уқлиқдан жой олди. Дарья 2018 йилда ўтказилган Осиё ўйинларида кумуш медалга эғалик қилганди.



Ўзбекистон — Россия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Давлат раҳбарлари ҳузурда икки мамлакат ҳукуматлари ва вазирликлари томонидан имзоланган 10 та ҳужжат алмашилди. Самарқанд шаҳрида Россия Федерациясининг бош консулхонасини таъсис этиш, ваколатли иқтисодий оператор институтларини ўзаро тан олиш, "Агротекспресс" тезкор термий йўл ташувларини йўлга қўйиш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги битимлар, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2024-2025 йиллар учун ҳамкорлик дастури, шунингдек, транспорт, илм-фан, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар шулар жумласидан.

Ташриф доирасида Россияда меҳнат қилаётган фуқароларимизга ижтимоий кафолатларни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Россия фуқаролари орасида Ўзбекистоннинг

туристик жозибadorлиги ошаётгани қайд этилди. Россиялик сайёҳлар оқими йил бошидан буюн 20 фоизга ошгани кўрсатиб ўтилди.

Шу нуктаи назардан айтганда, мазкур ташриф амалда давлатларимиз учун дەرли барча даражада ва ҳар бир доллар бўйича буйича ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш учун кучли туртки берди. Ушбу ташриф том маънода, барча соҳалар, жумладан, таълим ва технология алмашинувини ривожлантиришга ҳам муҳим омил бўлади.

Икки томонлама эришилган келишувлар ва имзоланган ҳужжатлар стратегик шериклик ва иттифоқчиликни янада ривожлантиришга, Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мавлуда ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

МЕХАНИЗАЦИЯ — ҲОСИЛДИН ҚЎЛ МЕҲНАТИСИЗ ТЕРИБ ОЛИШДА ЭНГ МАҚБУЛ ЕЧИМ



Бугунги кунда Жиззах вилоятида етиштирилган пахта қариб 80 фоизи терим агрегатлари ёрдамида саранжомлаб олинётгани фикримизга аниқ мисол бўла олади. Шунингдек, Сирдарё, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида ҳам пахтани машиналарда териб олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 900 минг тоннаси замонавий терим машиналари кучи билан саранжомлаб олинади, — дейди Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги бошқармаси бошлиғи Қодир Исмоилов. — Мавсумда 1383 та замонавий терим машинаси кучидан унумли фойдаланилмоқда. Техникаларнинг 600 таси "Кейс" русумли бўлиб, унинг иш унумдорлиги жуда юқори. Яъни кунига 50 — 80 тоннагача ҳосилни йиғиб олиш қувватига эга. "Жондир" русумли агрегат қуввати ҳам ундан қолишмайди. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "МХ-1.8" русумли терим машинасига ҳам фермерларнинг қизиқиши катта.

Эътибор бераётган бўлсангиз, мамлакатимиздаги мавхуд дала майдонларида қийос олинган пахта ҳосилининг жуда кам қисми терим агрегатлари кучи билан йиғиб олинмапти. Бунга "Кейс" русумли техникалар сони 600 та, "Жондир" 150 та, "МХ-1.8" 250 та ва бошқа русумдаги терим агрегатлари 379 тагина эканлиги сабаб бўлаётгандир деб қўйиш мумкин. Қолаверса, бизда Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ давлатларидаги каби машинабоп ғўза навлари ҳали етарли даражада экимляпти. Ваҳоланки, юқорида айтилган давлатларда йиғим-терим тўлиқ механизациялашган бўлиб, бир теримнинг ўзидека дала ҳосилдан тозалаб кетилади. Пахта нави ҳам, парваришlash технологияси ҳам шунга мослаштирилган.

Бизда ҳам бу каби тизимни жорий этиш имкониятлари бор, — дейди вазирликнинг қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш бoш мутахассиси Зухриддин Рустамов. — Масалан, ўтган йили мамлакатимизда етиштирилган пахтанинг 18 фоизи машиналар кучи билан саранжомлаб олинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 23 фоизни ташкил эт-

ди ривожланишига, йиллар давомида ўзбек пахтасига қўйилган таққларнинг олиб ташланишига хизмат қилди. Бу савий-ҳаракатлар том маънода пахтачиликда янги муносабатлар даврини бошлаб берди.

Мамлакатимизда пахтачиликни ишчи ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири — қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тўлиқ ислоҳ қилишдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат мустақиллигининг 32 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган табриғида пахтачиликда бозор иқтисодиёти тамойиллари жорий этилгани, соҳа ўз эгасини топангани алоҳида таъкидлади.

Бинобарин, 2020 йилда пахта хошмашининг давлат харид нарҳини белгилаш амалиётидан бутунлай воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу даврга келиб, қимматбах оқини етиштириш жараёни иқтисодлаштирилган кластерлар зиммасига берилди. Шу йил 26 январьдаги "Пахта хошмашини етиштирувчилар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермер ҳўжаликлари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш жараёнининг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур ҳўжат фермерларга етиштирилган пахтани харидор қилиб келишилган нарҳда ўзаро манфаатли шартнома асосида сотиш имкониятини беради, бу авваллари фақат орзу эди, — дейди Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумўмин Жўраев. — Пахта хошмашини давлат томонидан харид нарҳларини белгилаш амалиётининг бекор қилинган фермер ҳўжаликлари манфаатдорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, бутун тармоқни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, жорий мавсумда ҳам давлатимиз томонидан фермерларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ишчи давлат эътиборида. Масалан, насос агрегатлари сарфланган электр энергияси қийматининг 50 фоизига бўлган қисмини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаш тартибига ўтилди. Шунингдек, фермер ҳўжаликларига уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилги-мойлаш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги зараркундаларига қарши ўсимликларни химоя қилиш воситалари қўшимча тўловларсиз етказиб берилди ва бу пахта етиштириш таннарҳини сезиларли даражада камайтириш имконини берди.

Тайёр маҳсулот ва доимий иш ўринлари

Мамлакатимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида пахта майдонлари бироз қисқартирилиб, бўшаган ерлар галла ва мева-сабзавот экинлари

етиштириш учун ажратилди. Шу билан бирга, илғор технологияларни қўллаш, илмий асосланган навларни жойлаштириш, алмашлаб экиш, меҳнат унумдорлиги ва етиштиришга экин ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига янги ҳосилни камайтирмаслик вазифаси қўйилди.

Ҳозирда пахта тўқимачилик кластерлари томонидан 2017 йилдаги ҳисобатан калава ип ишлаб чиқариш 2 бараварга, тайёр маҳсулот 3 бараварга ошди. Пахта тўқимачилик кластерлари эса хошмашиндан тайёр маҳсулотгача бўлган жараёнларни муҳасамлаштирган, янги усул ва технологияларни жорий қилаётган тизимга айланди.

Жорий йил 136 та туманда ташкил этилган 134 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан 1012000 гектардан ортиқ майдонда ғўза парвариш қилинди. Кластерлар ва 31 мингдан ортиқ фермер ҳўжаликлари билан фючерер шартномалари имзоланди. Яратилган турли имтиёзлар ва жорий этилаётган янги чамандувор ҳосилдорликни ошириш, сув ва бошқа манбаларни тежашга ҳам хизмат қилляпти.

Фермер ҳўжалигимизда 116 гектар ер майдони бор, — дейди Сирдарё вилоятининг Бобўев туманидаги фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳумоюн Туракулов. — Шундан 70 гектарига пахта экканмиз. 45 центнердан ҳосил оляпмиз, режими машина терими билан тўлиқ бажардик. Келгусида ҳам ҳосилни техникада саранжомлаб оламиз. Бу — ҳам маблағни, ҳам вақтни тежайди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, кластер тизимини жорий этиш фермер ҳўжаликларига тежамкор ва юқори унумдор техникалар етказиб бериш, моддий ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш имкониятини яратди. Қолаверса, ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитига мос янги ғўза навларини қўлайитириш, тўғридан-тўғри ишлаб чиқаришга йўналтириш каби илмий ечимлар сўнгги йилларда ҳосилдорликни беш-олти центнерга ошириш ва унинг пишиб етилиш муддатини қисқартиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ғояси билан қишлоқ ҳўжалигида жорий қилинган кластер тизими ўзини тўла оқламоқда. Бугун пахта етиштириш ва пахта қўқур қайта ишлаш билан 134 та ун-та-тўқимачилик кластери шуғулланмоқда. Уларда пахта толасини қўқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ "саноат занжири"ни яратишга қаратилган беш босқичли лойиҳалар ҳаётга ишчи татбиқ этилмоқда. Эътиборлиси, миғлаб янги иш ўринлари яратилган бундай қувватлар мамлака-

тимизнинг чекка ҳудудларида ҳам ишга тушириляпти.

Масалан, шу йил баҳорда давлатимиз раҳбарининг Сурхондарё вилоятига ташрифи доирасида фойдаланишга топширилган "Indenim Cluster" пахта-тўқимачилик кластери корхонасида 400 та янги иш ўрни яратилди. Мазкур корхона пахта толасини қўқур қайта ишлаб, тайёр кийим-кечаклар ишлаб чиқаришга иқтисодлаштирилган. Президентимизнинг Фарғона вилоятига ташрифи доирасида эса пахта-тўқимачилик кластерларининг учта замонавий корхонаси ишга туширилди. Булар — Тошлоқ туманидаги "Expro Kollor Prin Tex", Фарғона туманидаги "Баҳодир Логон текстиль", Қўштепа туманидаги "Глобал Текстиль Инфинити" корхоналари.

Айтиш жоизки, Тошлоқ туманидаги "Expro Kollor Prin Tex" пахта-тўқимачилик кластерида "саноат занжири"ни яратишга қаратилган инвестициявий лойиҳанинг навбатдаги босқичида умумий қиймати 140 млрд. сўмдан зиёд сармоа ўзлаштирилди. Шундан 5,5 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий инвестиция, қолган қисми эса кластернинг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Янги корхона йилга 3 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда бу ерда 260 киши меҳнат қилмоқда. Натижада кластерларда яратилган доимий иш ўринлари сони эса 1200 тадан ошди.

Бундай мисолларни бошқа ҳудудлардан ҳам келтириш мумкин. Айтилик, айни пайтда Хоразм вилоятининг Қўшқўпир туманида "WBM Qo'shko'pir Klaster" пахта-тўқимачилик кластери томонидан йирик ишлаб чиқариш фабрикаси бунёд этилмоқда. Янги инвестициявий лойиҳанинг умумий қиймати 49 млн. еврога тенг бўлиб, йилга 24 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Кластернинг янги фабрикасида 600 та янги иш ўрни очилиб, тумандаги шунча киши доимий иш билан таъминланади.

Ёки бўлмаса, Наманган вилоятидаги "Art Soft Tex Cluster" пахта-тўқимачилик кластерини олайлик. Ҳозирги кунда ушбу кўп тармоқли кластер томонидан Мингбулоқ туманида "Артем" қўшма корхонаси барпо этиляпти. Момиқ соқич ва чойшаб тўпламларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 75 млн. АҚШ долларига тенг. Корхона фойдаланишга топширилган, йилга 14400 тонна калава ип, 12600 тонна момиқ соқичлар ишлаб чиқарилади. Иллик экспорт ҳажми эса 120 млн. доллардан ошади.

Дарҳақиқат, илгари фақат хошмаш етиштирувчи мақомида бўлган юртимизда бугун беқийёс ўзгаришлар рўй берди. Пахта-тўқимачилик кластерлари жорий этилган, ишлаб чиқаришда муҳим саналган "саноат занжири" яратилди. Бу — Ўзбекистонни улкан энгил саноат ва тўқимачилик мамлакатига айлантиришига шубҳа йўқ.

Фохриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»)

ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Очиқ ҳамда конструктив рўҳда ўтган суҳбат давомида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, давлат ҳамда жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, турмуш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш, бандлиги эришиш, даромадларини кўпайтириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби масалаларга эътибор қаратилди.

Шунингдек, "аёллар дафтари" билан манзилли ишлаш, хотин-қизларни таъйиқ ҳамда зўравонликлардан химоя қилиш, оила асосларини янада мустаҳкамлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш, эрта турмуш қуриш ҳолатларининг олдини олиш бўйича

қатор тақлифлар ҳам илгари қилинди.

Сенат Раиси, шунингдек, Бағдод туманининг Мўқимий номидаги МФЙ ҳудудида жойлашган 17-умумтаълим мактабида йўлга қўйилган "Менинг хунарим — менинг фахрим" лойиҳаси тақдимида иштирок этди.

Бу ерда халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг Хотин-қизлар ва гендер тенгликни таъминлаш доимий комиссияси, вилоят хотин-қизлар тадбиркорлик ўқув маркази, Бағдод тумани ҳокимлиги қарорлигида аёлларга замонавий ҳамда талаб юқори бўлган касб-хунарларни ўргатиш мақсадида бир неча йил ишлаб буйича ўқув марказлари ташкил қилинган.

Хотин-қизлар бу ерда каштачилик, дастурчи, тикуччилик ҳамда пазандчилик каби касбларга ўқитилди ва шу тарихи уларнинг бандлигини таъминлашга ҳамда даромадларини кўпайтиришга қўмақ берилди.

«Халқ сўзи».

Маҳаллийлаштириш ЮК ВАГОНЛАРИ ВА ЦИСТЕРНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

Мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида маҳсулотларни маҳаллийлаштириш орқали юқори иш самарадорлигига эришилмоқда. Мисол учун, "Андижон механика заводи" шубҳа корхонасида юк вагонлари ва цистерналар ишлаб чиқарила бошлангач, ҳамкор давлатлар сони 10 тага етди.

— Бундан етти йил муқаддам корхонамизда юк вагонларига техник хизмат кўрсатиларди, холос, — дейди корхона раҳбари Зайнобиддин Аюбонов. — Бугунги кунга келиб тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда Қозғонистон, Қирғизистон ва Туркманистон давлатлари учун юк вагонлари тайёрланмоқда. Тез кунларда Россия билан ҳам маҳсулот етказиб бериш юзасидан аёро шартнома имзолаш арафасидамиз.

Маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият олиб

борилаётгани тўғрисида корхонада маҳсулот таннархи арзонлашиб, иш ҳамми мутасил олиб бормоқда. Корхонада меҳнат қилаётган 240 нафар ишчининг Россия Федерацияси ҳамда Беларусдаги турдош корхоналарда тажриба алмашиб қайтгани бунда қўл келаети.

Натижада йилнинг шу давридагига қадар 3 миллион долларлик экспортбо маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, хорижга жўнатилди.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЯПОН ТИЛИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Фарғона политехника институтида Япониянинг "Willtec", "Wat consulting" ва "Nippondo" компаниялари ҳамкорлигида Япон тили ва япон технологиялари маркази ташкил этилди.

Ҳамкорлик

Марказнинг тантанали очилиш маросимида Кунчиқар юрт компаниялари вакиллари, институт мутасаддилари, ўқитувчи ва талабалар ҳамда кенг жамоатчилик қатнашди. Тадбирни Ўзбекистоннинг Япониядаги факултода ва мухтор элчиси Мухсинжўжа Абдураҳмонов онлайн кузатиб борди ва марказ фаолиятига муваффақият тилади.

Тадбир доирасида япониялик Машу Комазакки томонидан "Сунбула" ашуласи ўзбек тилида, ўз навбатида, институт талабалари "Ойла" деб номланган қўшиқни япон тилида ижро этгани йиғилганларга хуш кайфият улашди.

— Марказда Япониянинг йирик компаниялари учун малакали мутахассислар тайёрлаб бериш

режалаштирилмоқда, — дейди Фарғона политехника институти ўқитувчиси, техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Шохруҳ Давлатов. — Шу мақсадда марказда япон тили, замонавий техника ва технологиялар, IT соҳасида мукамал билим берилди.

Тантанали очилиш маросимида марказ фаолиятини самарали ташкил этиш, талабалар япон тили ва технологиялари бўйича икки йил мобайнида яхши таълим олиши учун уларни зарурий ўқув қўлланмалар билан таъминлаш каби муҳим масалалар бўйича ўзаро келишиб олинди.

Ботир МАДИЁРОВ
(«Халқ сўзи»).

МУРАККАБ ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ

Гулистон тиббиёт кластерида лапароскопик усулда қизилўнган диафрагма тешиги чурраси билан боғлиқ юқори технологияли илк жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Тиббиёт

Ушбу турдаги амалиётлар ҳозиргача Академик В. Воҳидов тиббиёт хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва бошқа иқтисодлаштирилган муассасалар ҳамда чет давлатларда ўтказилиб келинаётган эди.

— Гулистон тиббиёт кластерида шу бугунги кунга қадар лапароскопия усулда холецистэктомия, буйракдаги кистэктомия, аппендэктомия, аёлларда туҳумдондаги кистэктомия, бачадон турбаларини очиб билан боғлиқ 3 мингдан зиёд амалиётларни номидан республика иқтисодлаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва бошқа иқтисодлаштирилган муассасалар ҳамда чет давлатларда ўтказилиб келинаётган эди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(«Халқ сўзи»).

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАТИРИШ ВА ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН

Иқтисодиётни ривожлантириш, одамларни иш билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Бу борада аҳоли ҳаётидаги муаммоларни тизимли ўрганиш ва ўз вақтида, тўлиғича ҳал этишга хизмат қилувчи маҳаллабай ишлаш тизими бугун ўз натижасини бераётганини ҳаммамиз кўриб, ҳис этиб турибмиз.

Фикр

Зеро, маҳалла фақатгина юртимизга хос бўлган институт бўлиб, ушбу ноёб ижтимоий тузилма охириги йилларда аҳолига энг ақин ва халқчил тузилмага айланди, десак айни ҳақиқат. Бу аҳоли билан бевосита ишлашнинг энг самарали ва аънанавий механизмидир. Чунки мавжуд муаммолар жойида, тез ва натижалли ҳал қилинса инсонлар ҳаёти яхшиланади, одамларнинг эртанги кунга ишончи ортади.

Халқ билан мулоқотнинг янги чамаси бўлган маҳаллабай ишлаш тизими орқали, энг аввало, аҳоли, хусусан, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга оид қизиқиш ва интилишлари аниқланиб, сўнг уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ҳосил қилиш учун ўқувлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, улар "оёққа туриб олишлари" учун давлат томонидан амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киририлган фуқароларга асбоб-ускуна, меҳ-

нат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача субсидиялар ажратилади.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача субсидиялар берилди.

Ўтган қисқа даврда бу борада кенг миқёсда амалий ишлар қилинди. Агар рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, юқорида кўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида 48 503 нафар фуқарога жами 196,7 млрд. сўм субсидия ажратилган. Шундан, 39 749 нафар хотин-қизга 163,7 млрд. сўм, шу жумладан "аёллар дафтари"га киритилган 23 199 нафарига 110,7 млрд. сўм. субсидия берилган.

Аҳамиятлиси, маҳаллабай ишлаш-

нинг вертикал тизими асосида маҳалладаги иқтисодий ҳолатни, хондонбай ўрганиши, жумладан, аҳолининг бандлик даражасини, оилаларнинг даромад манбаларини, томоққа ерларидан фойдаланиш ҳолатларини ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилишларини ва эхтиёжлари мунтазам таҳлил қилиб боришмоқда. Қолаверса, ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олиш учун маҳалладан туриб давлат идораларига мувожаат қилиш тизимини яратиш, давлат ва ижтимоий хизматларни бевосита маҳаллада кўрсатишга ҳам алоҳида эътибор қаратилляпти.

Давлатимиз раҳбарининг асосий мақсадларидан бири мазкур ишларни маҳалланинг ўзида ҳал қилиш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигининг вакили, яъни ҳоким ёрдамчиси лавозими таъсис этилди.

Ваҳоланки, ҳудудлардаги аҳолини маҳалла аҳоли ва фаолларидан яхши ҳал қилиб билишди. Ҳар қандай фуқаро маҳалла фуқаролар йиғини билан узвий алоқа ўрнатган. Бинобарин, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, эхтиёжман оилаларга манзилли ёрдам кўрсатиш каби энг долзарб масалаларнинг ечими, биринчи навбатда, маҳалаларда топилиши керак.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугун қўллаб масалалар ортиқча қўғозбозликсиз, югур-югурларсиз маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Бир неча йиллардан буюн ечим топилаётган келаётган муаммоларга хондонбай ишни ташкил этган ҳолда ёрдам берилляпти. Бу савий-ҳаракатлар орқали одамларга орзу-ҳаваслар қайтмоқда, фахр-ифтихор қайтмоқда, шодлик қайтмоқда.


Бугун юртимиздаги барча соҳалар фаолиятида ва кечаётиги ўзгаришлар моҳиятида маҳаллабай сўзининг аҳамияти кундан-кун ортиб бормоқда. Рес-

публикамиздаги ташкилот ва идораларнинг мазкур амалиёт натижасида жойларда ташкил қилаётган иш фаолияти айнан маҳаллалардаги ўзгаришлар ва бу орқали мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига қаратилгани билан янада аҳамиятлйдир.

Мухтасар айтганда, маҳаллабай иш услуби бугун аҳоли мувожаатларини ўз вақтида бартараф этиш, ёшлар, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, одамларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, жамиятимиздаги барча соҳа учун энг самарали йўл эканлигини кўрсатди. Асосийси, бу тизим аҳоли фаровонлигини юксалтириш, одамларнинг ҳаётдан рози яшашига хизмат қилаётди.

Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси ўринбосари.

СОФ ВИЖДОН, ҲАЛОЛЛИК, ФИДОЙИЛИК ТИМСОЛИ



1 Софидфми ё кутилмаган саодат?

Иккинчи жаҳон уруши тугаб, мамлакатда энди-энди тинчлик-осойишталик шабадалари эса бошлаган, аммо уруш заҳматлари, қийинчиликлар ҳали аримаган кезлар эди. Шундай кунларнинг бирида ўн етти-ўн саккиз ёшлар атрофидаги ўсириш хайратга тўла нигоҳини Бухородаги Мир Араб мадрасасига тикканча, узок вақт унинг ёнидан кетолмай туриб қолди. Илмга ташналик кўзларидангина эмас, бутун вужудида акс этиб турганини кимдир пайқайди шекилли, кулоғига:

— Хой, йигитчи! — деган хитоб эшитилди.

У ўгирилиб қаради. Ортида ораста кийинган, тасбеҳ ушлаган нуруний чехрали бир киши унга табассум билан боқиб турарди.

Ийгибча дарҳол оқиб билан салом бериб, хиёнат устида қўлга тушгандек саросима ичида нима деярли билмай турганди, нуруний зот ноқулай аҳволдан чиқариш учун бўлса керак, унинг саломига алик оларкан:

— Орзуларинг кўнга ўшайди, — деди ўзинча тусмоллаб. — Келажакда ким бўлмоқчисан?

Ийгибчанинг кўзларида ўт ёнди.

— Мен ҳам мана шу мадрасада таълим олишни истайман, — деди у хурсин. — Аммо орзумини амалга оширишининг илоҳи бўлармикан?

— Нега илоҳи бўлмасин? — яна чиройли табассум қилди нуруний зот. — Ортимдан юр, сенга эшиклар очик.

Бу тақлифга баҳонидил қўнган йигитча кейинчалик мон таратишдан ҳам кура заҳматли меҳнатлари билан дини ислом равнақиға катта ҳисса қўшган Мухторжон Абдуллаев, уни ортидан эргаштирган уламо эса Мир Араб мадрасаси бош мудариси — мудири Ҳожи Акбаржон Мухиддинхон эди.

Уруш тугаши арафасида қадимий ўқув даргоҳи бўлган Мир Араб мадрасаси қайта иш бошлаган, Намангандан Исмомил маҳдум Соттиев, Тошкентдан Ҳожи Акбаржон Мухиддинхон ва Бухородан Абдурахим қори Рафиқов сингарни илм билимдонлари талабаларга сабаб бериш учун жалб этилади. Улар талабаларга Қуръон, ҳадис, тажвид, тафсири, фикҳ, ислом тарихи каби диний илмлар билан бирга араб, ўзбек, форс тиллари, география, тарих фанларидан ҳам дарс беради.

Ҳожи Акбаржон Мухиддинхон форс, араб, рус тилларини яхши билар, хорижлик талабаларга диний илмларни рус тилида олиб боради. Дунёда шундай тасодифлар борки, уларнинг замиридаги муқарралик ҳамиса ўзидан нур таратиб туради. Бу икки инсон — устуво ва шоғирднинг ўшандаги учрашуви ҳам шундай бўлган эди. Ҳожи Акбаржон Мухиддинхон бир қарашдаёқ Мухторжоннинг манглайида илоҳий нурун пайқанган бўлса, ажабмас. Замоннинг ноҳилиги, дину диёнат ҳукморини мафкура томонидан тазкила учраш тургани гўё бу ҳодисага тасйир кўрсатиши мумкин эмасдек эди. Айниқса, ўшанда Мухторжонга тенг-тўш ақсарий йигитлар ўзларини дуч келган ишларга уриб, урушдаги йўқотишлардан ўзига келолмаган оилани тиклашдан, тирчиликнинг гамини ейишдан, қорин тўйғазидан бошқасини ҳаёлларига ҳам келтира оlishмасди. Жамиятда эса динга нисбатан ноҳилис муносабат шаклланиб улгурган, ёпиб ташланган Мир Араб мадрасасининг уруш даврида шароит тақозосига кўра қайтадан фаолият кўрсата бошлаганидан кўнчилик беҳабар эди. Бухорода ўрта мактабда ўқиб, таълим-тарбия олган Мухторжоннинг шундай вазиятда ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган орзуси устувини тўқилантириб юборган, эҳтимол, шу тўқилантириш кейинчалик Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий сифатида таниқли ислом уламоси бўлиб етишини у бир қарашдаёқ пайқагандир? Нимаки бўлмасин, Мухторжон Абдуллоҳ Бухорийга тақдир ўшанда қулиб боққан эди.

гагина эмас, уларнинг оилалари, яқинларига ҳам ҳавф туғилиб, улар таг-туби билан йўқ қилинишга маҳкум этилган эди.

Бўлажак муфтий Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий оиласида энди Қўқонда туршининг илоҳи қолмаганди. Шўро мафкурчиликчири “Содини ўзидан чиқариб” услубига амал қилиб, қора халқнинг онг-тафаккурида уламоларга нисбатан зимдан нафрат тўйғусини шакллантириб улгуршиган эди. Уларни ҳеч иш қилмай қайфу сафода қурайдиган текин-хўрлар деб талкин этиш одатий тусга кирганди. Бой-зодогонлар, мулла-эшонларга синфий душман сифатида қараларди.

— У даврларда зиёлилар, мулла-қорилар, уларнинг оила аъзолари давлат идоралари, муассасаларига, ҳатто колхозларга ҳам ишга олинмасди, — дея ҳикоя қилади Муфтий Бобохонлар жамғармаси бошқарув кенгаши ҳамда Халқаро экология, инсон ва табиат ҳавфсизлиги фанлари академияси аъзоси Анвармирзо Хусанов. — Уша

ўқитувчилари ҳам Мухторжон Абдуллаевдан маслаҳат сўрашдан ор қилишмас, ақсарият ҳолларда қоникари жавоб олишгани сабабли уни “домла” деб ҳурматини жойига қўйишарди.

Илмга интилувчанлиги, тиришқоқлиги, “Илм мўминнинг йўқотган нарсасидир — қаердан топса, уни олаверади” ҳадисини ҳаётий дастуриламалга айлантиргани бос Мухторжон Абдуллаев Мир Араб мадрасасида тахсил олаётган кезларидаёқ Урта Осиё ва Қозғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, муфтий, бекиёс инсоний фазилатлар соҳиб шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохоннинг назарига тушди. Бухорога борган кезларида Мухторжон Абдуллаев билан танишиб, унинг кибрдан йироқлигини, дилию тили бирлигини, энг муҳими, нафси аммосини энгиб ёшашга одатланганини у киши синчи ўлароқ бир қарашдаёқ сезган эди. Айниқса, уламоннинг зулмор умаро каби ҳашамга ўчлиги,

Ўзбекистоннинг улғу кишиси, бутун иттифоқ олими, кейинчалик муфтий бўлган устозимиз Мухторжон домлани эсламасликнинг илоҳи йўқ. Мир Араб мадрасасига ўқишга кирганимизда у бизга араб тили грамматикаси — сарфу наҳвдан дарс беради. У араб тилининг моҳир билимдони эди. Устоз бизга феълларнинг тусланшини ёд олдирав ва буни каттиқ талаб қиларди. Аммо ҳеч кимга икки баҳо қўймади.

Умар ИДРИСОВ, Новгород шахри муфтийси.

давр қонунчилиги бўйича икки ой беқор юрган киши “текинхўрлик” моддаси бўйича аввал маъмурий, кейин жиний жазага тортилиб, қамалиб кетарди, сургун қилинарди. Мир Араб мадрасасида таълим олган Гуломқодир домла Нейматов 1929 йилда шу тўқайли имом-муллалик ишларини йиғиштириб, Бухорода “Утильсырьё” — латта-путта йиғиш артелини тўзади. Иттиқликка, дарбадарликка маҳкум этилган собиқ мулла ва эшонлар, қориларни ва уларнинг оила аъзоларини жалб қилиб, амалда доимий иш ўринлари билан таъминлайди. Минглаб олим уламолар ва уларнинг оила аъзоларини артелга латта-путта, темир-терсақ йиғувчи сифатида ишга қабул қилади, қамқов ва сургунлардан асраб қолади.

Қўқондан Самарқандга, кейин Бухорога қочиб боришган Абдуллаевлар оиласи ҳам Гуломқодир имом артелидан паноҳ топишади. Оила бошлигини у ўз артелига ишга олиб, уй-ҳой билан таъминлайди. Шу сабабли, улар Бухорода муқим яшаб қолади. Дарахт кесилса, томири қолади, деганларидек, Мухторжон улғайган даврда илгаридек бўлмаса ҳам Бухорода диний-маданий муҳит сақланиб қолган эди. Гуломқодир имом каби ўзларини латта-путтачилик қилиб юрганларнинг қўли арзимас юмушларда эса-да, қалбларида имон-эътиқод нури сақланиб қолган, фурсат топди дегунча ўзаро сўхбатларда дину диёнат мавзуларида сўз очиб, муҳомама юргизишар, хуфёна тарзда тоат-ибодатларини бажаришарди.

Дарвоқе, 1962 йилда Гуломқодир домла вафот этганида, бундан ҳабар топанг шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон гўёки Бухорога тасодифан бориб қолгандек, у кишининг жанозасини ўқийди. Кейин “табарур” деб Гуломқодир домла яқтагини унинг оила аъзоларидан эсдалика сўраб олиб, Тошкентга қайтади. Қўрналики, диндорларнинг, айниқса, етакчи уламоларнинг ҳар қадамини назорат остида бўлган чоғларда ҳам қалблари бир-бирига яқин инсонлар ўртасида бошқалар назаридан пинҳон ўзаро яқинлик, боғланиш мавжуд эди. Бу боғланиш-яқинлик илоҳий тарзда бўлган боси ўзгаларнинг, айниқса, гайир нигоҳларга ташланавермасди.

Бу худудли Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий оила аъзоларида ҳам чуқур қайғу қолдиради. Одамларга яхшилик қиламан деган эзгу ният соҳибларига ҳар қандай вазиятда ҳам имконият топилшини Гуломқодир домла ўз ҳаёти мисолида амалда исботлаб берган эди.

Гавҳар хазинаси

Мухторжон Абдуллаев мадрасада ўқиган кезлари ўта тиришқоқ талаба бўлиб, дарсдан кейин ҳам устозлардан қўшима сабоқ олади. “Мухтасар ул-виқоя”, “Қофия” китобларини тўлиқ ёд олади. Талабалик кезларидаёқ у кўплаб уламоларни ўйлантирган масалаларни ечиб бергани ҳақида Дўстмуҳаммад Насриддин ўғли ўзининг “Сарф китоби”да қатор мисоллар келтиради.

Ҳақиқатан ҳам, “Сўраб ўрганган олим...” қадим нақлига амал қилган ҳолда, нафақат талабалар, баъзи масалаларни ҳал этишда мадраса

уй-жойлар, моддий бойликлар йўлида дин илмини восита қилиши жаҳолат билан баробарлигини яхши билган шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон каби Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий ҳам Алишер Навоийнинг:

Илмини ким воситаю хоҳ этар, Узинию халқини гурмоҳ этар, сатрларидан яхши хабардор, халқ маърифати, маънавияти йўлида хизмат қилиш ўрнига моддий тўқинлик учун уламонинг паст кетиши, “ердаги соя” каби сохта мадҳларни ўйлаб топиши тамағирликдан бошқа нарса эмаслигини теран англади. Алишер Навоий каби шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳам, Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий ҳам нақшбандия тариқатининг муҳиблари бўлгани уларни руҳан бирлаштириб туради. Поклик, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, адлу инсоф, мустаҳкам имон, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби илгор умумбашарий фазилатларни ўзида муҳасам этган Баҳоуддин Нақшбанд инсон вужудини илоҳий хазинага қисълаган эди:

Зери девори вужуди ту бувад ганжи гуҳар, Ганж зоҳир шавад гар зи миён барҳези.

(Мазмуни: Сенинг вужудинг девори остида гавҳар хазинаси бор, Сен ўртадан кетсанг, хазина қўринади). Баҳоуддин Нақшбанд инсонга берилган вужуд илоҳий муъжизалар билан тўла хазина эканлигини тазкилаб, нафси аммосини жиловлаб ўртадан кетса, у тугдираётган кибр, ҳасад, ғазаб, нафрат каби иллатларни йўқотиб, инсон гўзал ахлоқий фазилатларга эга бўлишини айтади. Халқ орасида умаро зулми тўқайли обрў-эътиборини йўқотса, уламо тамаси билан ишончли бой беради. Қалб кўзгуси бир қарашдаёқ тарихат муҳиблари кўз ўнгида намён бўлади.

— Тахсилни энди Тошкентда давом эттирасан, — дейди шайх Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон Мухторжон Абдуллоҳ Бухорийни ўзига яқин бўлишини ҳам назарда тутиб.

Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий Тошкентдаги Бароқхон мадрасасида бир муддат Минхожиддин қори Абдуллаев, Абутуроб Юнусов, Увайс Алоутдинов билан ҳамсабоқ бўлди. Мадрасани аёло баҳолар билан тамомлаб, диний назорат раҳбариятининг тавсияси билан мударрис сифатида ишда олиб қолинди. Кейинчалик Суриянинг Дамашк университетидида ўқиб қайтди.

Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий Тошкент ислом институтида хорижлик талабаларга дарс беради. Хозирда унинг қўлида ўқиган талабалар хориж мамлакатларида масъул вазифаларда фаолият юритмоқда. У 1988 — 1991 йилларда яна Мир Араб мадрасасида мудири бўлиб ишлайди. Таълим соҳасида ўттиз йилдан ортиқ тажрибага эга Мухторжон домла бу пайтга келиб талабаларга таълим ва тарбияни уйғунликда олиб бориш кераклигини яхши англаб етган эди. Бу фазилатлари шоғирдлари олдиди унинг улғу инсон сифатида эътибор топишига сабаб бўлди.

Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий диний илмлар қатори дунёвий илмларни ҳам пухта эгаллаган, шоғирдларини ҳам бошқаларга қуллуқ қилмасдан ўзлигини илм орқали топишга ундар эди. “Айтинг: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлуруми?! Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина эслата-молурлар” (Зумар сураси, 9-оят), “Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган (барча яхши ва ёмон) амалларингиздан хабардордир” (Мужода-ла сураси, 11-оят) сингари оятлар; “Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон учун фарз амалдир”, “Ҳар бир нарсанинг йўли бор — илм жаннатнинг йўлидир” каби ҳадислар Мухторжон Абдуллоҳ Бухорийнинг ҳаётий тамойил-ларига айланган эди. Уламолар орасида у каби турли тилларни мукамал ўрганиб, рус, араб, форс, озарбайжон, қрим-татар, татар, бошқирд, туркман тилларида ўзбек тилидагидек эркин сўзлашадиган, инглиз, немис тилларида бешалол муносабатга кириша оладиганлар камдан-кам топилишини эътироф этмоқ керак.

Шуниси ажойибки, домла озарбайжон, қрим-татар, татар, бошқирд, туркман тилларини ўзи сабоқ берган талабаларидан ўрганиб олган эди. У ислом дини бошқаларни пастга уриш, ўз дини билан мактанаш, бировлардан арзимас нарсаларда иллат-камчилик топиш, итдао қилиш кабилардан йироқ ҳолда ҳақиқий маърифат, маданият ва маънавият йўлига бошланиш кераклигини уқтирарди. Шунинг учун унинг қўлида тахсил олган турли миллат вақиллари орасидан Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, Усмоноҳон Алимов, Равил Гайнутдин, Талғат Тажуддин, Аббос Ҳазрат Биборсов, Маҳмуд ҳазрат Велитов, Абдулазиз Мансур, Оллоҳшукур Пошшоода, Умар ҳазрат Идрисов, Аҳмад Қодиров, Азизхўжа Иноятов, Жобиржон Элов каби етуқ уламолар етишиб чиқиб, собиқ иттифоқ ҳудудидидаги турли халқларни муқаддас ислом дини ақидалари билан тарбиялашга муносиб улғу қўшди.

Устоз Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий Мовароуннаҳр мусулмонлар идораси раиси, муфтийлик вазифасида ишлаб турган чоғларида, 1994 йил охирида биз, Москва, Қозон, Уфа ва Доғистондаги шоғирдлари домлаимизни жуда соғиниб, у кишини Москвага таклиф этдик... Камтар, аммо ишжаоатли муфтий Тошкентдан Москвага учиб келди. Жума кунни Москванинг жоме масжидида камина устузни қутиб олиб, Жума намозидида имомликка ўтишини илтимос қилдим.

— Менинг ўзбекистонлик ватандошларимга алоҳида сўзим шуки, — Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий ваъз сўнгида юртдошларига мурожаат қилди, — сизлар оилангизни боқини, моддий аҳволи яхшилаш учун ҳалол даромад топиш умидида тугилган гўшанеиздан бу ерларга келангиз. Хориж юртларда Аллоҳ паноҳида бўлинглар. Бугун масжидда мингдан ортиқ ўзбекистонликлар бор экан, мурожаатимни бошқа ватандошларимизга ҳам етказинлар. Мен сизларга жону жашларимингиз деб мурожаат қиламан, сизлар билан фахрланшимни айтаман, сизлар ор-номусли, оиласи фаровонлиги учун курашчан, халқимизнинг фидойи фарзандисизлар. Сизлардан Аллоҳ рози бўлсин!

Мухташам жоме масжидининг виқорли кўшкун айвонларига пашша уса эшитилушлик сукунат чўққан, асосан, Марказий осийлик намозхон муҳожирлар бош эганча кўзларидан ёш оқизиб ўтиришар, домланинг сокин ва босиқ овозида ҳар қандай кишини ўзига жалб этиб, сеҳрлай олувчи жозиба бор эди. Бу жозибанинг номи ҳақиқат эди. Устозим Мухторжон Абдуллоҳ Бухорийнинг ҳақиқатга йўғрилган сўзлари мени ҳам жуда мутаассир этди. Ўз халқини нақадор сеувчи уламо қиёфасини ўшанда яққол кўрган эдим. Унда жуда кучли руҳий қувват бор эди.

Муфтий шайх Равил ГАЙНУТДИН, Россия Федерацияси мусулмонлари диний идораси ва Россия муфтийлар кенгашининг раиси, Россия Федерацияси Президентини ҳузурдаги Диний бирлашмалар билан алоқалар Кенгаши аъзоси.

Ўтиш даврининг руҳий етакчиси

1993 йили диний назоратнинг навбатдаги қурултойида Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд масжиди имомхатиби Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий Мовароуннаҳр (ҳозирги Ўзбекистон) мусулмонлари диний идораси раиси, муфтий этиб сайланди.

Ҳар қандай тарихий жараён силсиласида ўтиш даври мураккаб ва оғир кечини дунё халқлари таърихисидан яхши маълум. Уларни одатланиб қолган турмуш тарзи, маъқул қўрилган қадриятлардан воз кечиб, янгисига қўниқиб қўнчилик учун ноқулайлик туғдиради. Бундай жараёнда қўнчилик, ҳатто диний соҳа

вақиллари ҳам ўз манфаати йўлида ўзгалар фикри етовиди жонининг ҳузурини қўзлаб қоравериши мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Қолаверса, уша кезларда сирдан ўзини янги замонга мослаб кўрсатса-да, ичида эскиридан воз кеча олмаган раҳбарият билан муроғаса бориб ишлаш, баҳор ҳавосидек ўзгариб турадиган инжиқликларни кўтаришга ҳар ким ҳам дош беравермасди. Е чизиб берилган чизикдан чиқмай, йўриқдаги қўғирчоққа айланар ёки ўз шахсиятини сақлаб қолар эди. Иккинчи тоифада бўлиш осян кечмас, бунинг учун Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий каби Қуръон, ҳадис, тафсири, фикҳ билан бирга, дунёвий ва табиий фанларни пухта ўзлаштирган, дунёнинг ўнлаб тилларини мукамал билган, адабиёт, фалсафа, мантиқ, тарих, жуғрофия, риёзиёт, ҳандаса, кимё, тиббиёт, астрономия, муҳандислик каби фанлардан хабардор бўлган қомусий аллома бўлмоғи лозим эди. Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий зоҳирдан камтар-хоқисор кўринса-да, Ҳақ йўлида ўз фикр-мулоҳазасини турли андишаларга бориб ўғтирмай айта оладиган шер каби кўрқмас эди.

— Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий мусулмонлар идорасига раис, муфтий бўлиб келганларида биз, шоғирдлари жуда қувонган эдик, — дейди хаттолик санъатини тақомилига етказган олгани билан мамлакатимиздагина эмас, қўплаб хорижий ўлкаларда ҳам шўҳрат қозонган Ҳабибилло Солиҳ ўша кунларни эслаганида кўзларига самийий соғинч ва меҳр ифодалари пайдо бўлиб.

— Араб грамматикасида тенги йўқ устоздан Мир Араб мадрасасида тахсил олган эдим. Араб ёзуви санъатларига менда ҳавас уйғотган ҳам у киши эди. Мени мусулмонлар идораси кутубхона-

дурдоналари” ўнталиги рўйхатидан жой олди. Бошқа жойларда бўлгани каби устузим муфтий вазифасида ҳам соф виждон, тоза қалб, ҳалоллик билан фаолият юритди — бу биз учун фахр-ифтиҳор, бошқалар учун ибрат намунаси бўлди.

Орадан иллар ўтди. Бугун Ўзбекистонда инсон, унинг манфаатлари ҳар нарсадан устун эканини исботлашга қаратилган янгича сиёсат олиб бориломқда. Этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, томирида шу юрт, шу заминда ўниб-ўсган аждодлари қони оқиб турган барча инсонлар, қайда бўлишмасин, бизнинг жон-жигаримиздир! Президент Шавкат Мирзиёев Қашқадарёда сайловди учрашувлари чоғида таъкидлаганидек: **“Мусофир юртда, турли қийинчилик ва машаққатларга чидаб, ҳалол меҳнат қилиб, нон топиш осян эмас. Хорижда бундай шароитда яшаб келаётган одамларимизни ҳақиқий қаҳрамон, десак, тўри бўлади. Чет элларда тажриба ва малака орттириётган ана шундай ватандошларимизга раҳмат айтишимиз керак”**. Бу сўзлар халқимизни қанчаллик қувонтирган бўлса, Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий сингари қаҳрастарлар инсонлар руҳини шўнчалик шод этади.

Янги Ўзбекистон инсонпарварлик ғоясига асосланган ислом маданияти ва маърифатининг дунё нигоҳидаги марказига айланиб бормоқда. Юртимизда халқаро анжуманлар, диний тадбирлар тез-тез ўтказилмоқда. Диний маърифат ривожига катта ҳисса қўшган уфғ аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарбия этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Бу борада қатор халқаро илмий-тадиқот марказлари очилди. Мамлакатимизда миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида илгари сурган “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи ва бу муҳим ҳужжатнинг қўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватлангани Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўли халқаро миқёсда юксак эътироф этилгани ифодасидир.

Жорий йил 25 июль кунин БМТ Бош Ассамблеяси 77-сессиясининг ялпи мажлисида “Нафрат сўзларига қарши курашиш контекстида динлараро ва маданиятлараро мулоқот ва бағрикенгликни қўллаб-қувватлаш” резолюцияси консенсус асосида қабул қилинди. Резолюция ҳар икки йилда, аънавий равишда Мароккас делегацияси ташаббуси билан қабул қилинади. Резолюция 49 та давлат томонидан таяёрланди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсонни улғулаш янгича мазмун ва қўлам касб этганидан далолат.

Қизи Маввудахоннинг эслашича, Мухторжон домла оилапарвар, халқ касбу қорин севадиган, дархалтлари ўз қўли билан парвариш қилиб, уйда овқат пиширадиган, фарзандларини диний ва дунёвий билимларини бирдек эгаллашга, кўп китоб ўқишга даъват етадиган инсон бўлган экан. Аёллар рўйолларига чиройли нақшлар, расмлар қўшиб бериб тирчиликни ўтказар экан. Баҳоуддин Нақшбанд бахмалга нақш солмоқ касби билан шуғуллангани каби домла улғу салафлари ишани сўзда ҳам, амалда ҳам давом эттирган эди.

Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий диний идора раиси сифатида қисқа фурсатда Ўзбекистонда ҳам, халқаро ислом дунёсида ҳам катта обрў-эътибор қозонди. 1997 йилдан умрининг охиригача Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд масжидида имомлик қилди. Бу вақтда масжид ва зиёратгоҳда ободонлаштириш ишларига бош бўлди. 2002 йил 25 майда оламдан ўтганида дунёнинг турли бурҷақларидидаги шоғирдлари, ислом уламолари таъзия билдиришди. Ўтиш даврининг мураккаб, эидийлатли пайтларидида нурга, зиёга бошлаган бу инсоннинг руҳи покига дуо айлаб, халқимиз кўз ёш тўқди. Бухоро шаҳрида Ҳазрати Имом қабристонига дафн этилди. Барча ориф инсонлар каби бу дунёни вужуди тарк этган бўлса-да, Мухторжон Абдуллоҳ Бухорий руҳи барҳаёт яшамокда. Айниқса, бугунги кунда ислом маърифати ва маданиятига юртимизда юксак эътибор берилаётгани у кишининг руҳини янада шод айлағай, инша Аллоҳ!

Шойим БЎТАЕВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1041. 32 669 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоəsi келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқати маълумотларини оқлаб олиш учун QR-коддини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган қўлағмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштарган таъкилот жаавбар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буоқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Топширилди — 05.40 1 2 3 4 5 6

ISSN 0010-0788